



# Жанубий

# ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 2 апрель, пайшанба, №35 (3681).



»» Президент

## ЭГАМЕНЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ



**Аввал хабар қилинганидек, Қасим-Жумарт Тўқабев раислигида ўтган йиғилишда мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинди.**

Йиғилишда 2021-2025 йилларга мўлжалланган Миллий хавфсизлик стратегиясини амалга ошириш натижалари сарҳисоб қилиниб, эришилган асосий кўрсаткичлар юзасидан Ҳукумат ҳисоботи тингланди. Шунингдек, қатор давлат идоралари раҳбарлари ўз йўналишлари бўйича маърузалар тақдим этишди.

Муҳокамалар жараёнида замонавий геосиёсий шароитда ижтимоий-иқтисодий, экологик,

сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишлардаги хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш ва уларга самарали жавоб чораларини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги Миллий хавфсизлик стратегияси лойиҳаси кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат давлат режалаштириш тизими-

нинг муҳим қисми бўлиб, келгуси беш йилда юзага келиши мумкин бўлган таҳдид ва даъватларга қарши курашишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Йиғилишда ўрта муддатли устуворликлар, мақсадли кўрсаткичлар ҳамда стратегик хавфларни бошқариш дастаклари ҳам муҳокама қилинди. Шу нуқтаи назардан, миллий манфаатларни ишончли ҳимоя қилиш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, фуқаролар ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ахборот маконини ҳимоя қилиш ва киберхавфсизликни кучайтириш каби вазифалар долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давлат раҳбари таъкидлагани каби, янги босқичда мамлакатнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш, шунингдек, дунёвий ўзгаришлар шароитида миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш мажмуавий ва тизимли ёндашуви талаб этади.

Шу билан бирга, иқтисодиёт, таълим ва технология соҳалари учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этишга қаратилган махсус дастурни ишлаб чиқишни жадаллаштириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Akorda.kz  
маълумотлари асосида.



## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Kazinform.** Тошкентга расмий хизмат сафари билан ташриф буюрган Қозоғистон Ташқи ишлар вазири Ермек Кўшербаев ўзбекистонлик ҳамкасби Бахтиёр Саидов билан учрашди.

Вазирликлар раҳбарлари Қозоғистон – Ўзбекистон алоқаларини чуқурлаштириш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, улар ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларни кўриб чиқдилар. Хусусан, томонлар иқтисодиёт, sanoat кооперацияси ва маданий-гуманитар соҳалардаги лойиҳаларни ҳамкорликда илгари суриш борасида келишувга эришдилар.

Учрашув якунида Қозоғистон ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Эслатиб ўтаем, январь ойи натижаларига кўра, Астана ва Тошкент ўртасидаги савдо айланмаси расман 400 миллион доллардан ошди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг дастлабки икки ойида 380 мингдан зиёд қозоғистонлик Ўзбекистонга ташриф буюрди.



## ОЛТИН ҚАНОТ...

**АЛМАТИ – ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИДА ЯНА БИР БЕВОСИТА ҲАВО ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**

“Qanot Sharq” авиакомпанияси икки шаҳар ўртасида бевоСИТА мунтазам парвозларни йўлга қўйди. Алматы халқаро аэропортида илк парвоз тантанали тарзда, авиация аънаналарига мувофиқ қарши олинди.

Янги парвозлар ҳафтасига уч мартаба – душанба, пайшанба ва шанба кунлари амалга оширилади. Парвозлар замонавий “Airbus A321neo” тайёрасида бажарилади, йўл вақти ўртача 1 соат 30 дақиқани ташкил этади.

## СУВ ЗАХИРАЛАРИ ФАЗОДАН КУЗАТИЛАДИ

**ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН СУВ ЗАХИРАЛАРИНИ ФАЗОДАН КУЗАТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДА**



Бу ҳақда “Space Technology Conference – 2026” тадбирида иштирок этган мутасадди идора вакиллари маълум қилдилар.

– Биз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Хусусан, Ерни масофадан кузатиш тизимини ривожлантириш соҳасида кўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Бундан ташқари, “Ўзбеккосмос” мутахассислари Қозоғистондаги космик марказда амалиёт ўташди. Шунингдек, сув захираларини фазодан кузатишмоқда. Бу Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қирғизистон учун ҳам жуда муҳим. Агар биз кучларимизни бирлаштирсак, музликлар қанчалик тез эриб бораётганини ва қайси сув каналларини тозалаш зарурлигини ўз вақтида аниқлай оламиз. Чунки шўрланиш ва боққоқланиш каби масалалар долзарб. Шу боис мен бугун ушбу ташаббусни кўтардим, – деди ҚР Аэрокосмик кўмитаси раисининг ўринбосари Куандиқ Шулёнбаев.

Kazinform.

## ЮНЕСКОга янги номинациялар тақдим этилди

### МИЛЛИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШГА ОИД МАЖМУАВИЙ ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Kazinform.** Қозоғистон Ҳукумати маданий ва ҳужжатли меросни асраш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб этишга қаратилган навбатдаги лойиҳани амалга оширди. Мамлакат томонидан ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури доирасида халқаро ва минтақавий реестрларга янги номинациялар тақдим этилди.

Янги тақлифлар орасида Абай Қунабаев асарлари билан боғлиқ ҳужжатли мерос, дастлабки қозоқ операси – “Қыз Жібек” лиро-эпик достонига оид материаллар алоҳида ўрин эгаллаган. Шунингдек, Иссиқ козосидаги руник ёзувлар ҳам минтақавий рўйхатга киритиш учун тақдим этилди. Иссиқ кўрғони (Алматы вилояти, Иссиқ шаҳри худудида)дан топилган кумуш коса (милoddan аввалги V аср, Қозоғистон)

– ноёб археологик осори-атиқа ҳисобланади. У 1969-1970 йилларда машҳур “Олтин одам” билан боғлиқ қазилма ишлари давомида топилган. Косанинг ташқи қисмида 26та белгидан иборат ҳалигача ўқиб чиқилмаган ёзув мавжуд. Бу ёзув “Иссиқ ёзуви” деб аталади ва у қадимги туркий ёки сақларга тегишли бўлиши мумкин, деб тахмин қилинади.

Маълум қилинишича, ҳозирги кунда



Қозоғистон “Жаҳон хотираси” халқаро тизимида тўртта муҳим ҳужжатли мерос иншооти билан иштирок этмоқда. Улар қаторида Хожа Аҳмад Яссавийга оид ҳужжатли манбалар, Невада – Се-

мей ҳаракати ҳужжатлари, Орол денгизи мавзусига бағишланган манбалар ҳамда “Хандар шежиреси” (“Хонлар шажараси”) жамланган.

Шу билан бирга, мамлакатда илк

бор Миллий “Жаҳон хотираси” рўйхати шакллантирилди. Айна пайтда ушбу рўйхатга 79та иншоот киритилган бўлиб, келгусида улар сонини 500тага етказиш режалаштирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистонда жами олти мингга яқин ҳужжатли мерос намуналари мавжуд.

Ҳукумат томонидан 2026-2028 йилларга мўлжалланган мажмуавий дастур ҳам тасдиқланди. Унда маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш, номоддий меросни қўллаб-қувватлаш, соҳада мутахассислар тайёрлаш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорлик доирасида “Ипак йўли: Каспий – Волга йўлаги” номинациясини илгари суриш, шунингдек, “Алпомиш ботир” эпосини кўпмиллатли номинация сифатида киритиш тадбирлари давом эттирилади.

&gt;&gt;&gt;Таҳлил

## ЯНГИ МАНЗИЛ – ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Худудлардан пойтахтга аҳоли оқими сабабларини чуқур таҳлил қилиш, мамлакатда янги ижтимоий ва иқтисодий жозиба марказларини барпо этиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш зарур.

Касим-Жўмарт Тўқаев.

Бугун мамлакатимизда минглаб эмас, миллионлаб одамлар яшаш жойини ўзгартирмақда. Улар қишлоқдан шаҳарга кўчиб, янги иш, янги муҳит ва янги имкониятлар изламоқда. Бу жараён жамият тараққиёти билан боғлиқ муҳим босқичдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда аҳоли асосан йирик шаҳарларга – Астана, Алматы ва Шимкентга интилоқда. Шу билан бирга, айрим худудлар аҳолисининг аксарияти вилоят ёки туман марказига қатнаб ишламоқда. Чунки, бу ерларда аҳоли кўп, аммо иш ўринлари етарли эмас.

Пандемиядан кейин бу жараён янада тезлашди. Одамлар кўпроқ иш бор, маоши юқори ва шароити яхши бўлган жойларга кўчмоқда. Бу эса, бир томондан, ижобий ҳолат. Чунки аҳоли ҳаракатчанлиги ошарди, иқтисодий фаоллик кучаймоқда.

Аммо бунинг бошқа томони ҳам бор. Шаҳарларда аҳоли сони кескин ортиб, уй-жой, мактаб, боғча ва иш ўринларига талаб ортмоқда. Қишлоқ ва айрим худудлар эса, аксинча, ёшларини йўқотмоқда.

### ЁШЛАР – АСОСИЙ ҲАРАКАТ КУЧИ

Ички миграцияда асосий ўринни 16-36 ёшлар эгалламоқда. Улар – талабалар, ёш мутахассислар ва яхши ҳаёт излаётган инсонлар. Кўп ҳолларда улар оиласи билан кўчиб келади. Бу эса шаҳарларда болалар боғчаси, мактаб ва шифохоналарга бўлган эҳтиёжни оширади.

Хотин-қизлар орасида ҳам кўчиш фаоллиги юқори. Улар таълим олиш, иш топиш ва муштарак ҳаёт қуриш учун шаҳарга интиляпти. Бу имкониятларни кенгайтирса-да, айрим ҳолларда муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

### ҲАЁТДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Кўчиб келган ҳар бир инсон янги жойга тез фурсатда мослашиб кетолмайди. Айримлар расмий иш тополмайди, арзон уй-жой излаб қийналади.

Масалан, Туркистондан Астана атрофига келган ёш ишчи Айбек аввал ўзи келиб иш топган, кейин оиласини олиб келган. Лекин ҳа-



лигача ижара уйда, оғир шароитда истиқомат қилади. Шунга қарамай, у "Бу ерда келажакни режалаштириш учун имконият бор", дейди.

25 ёшли Жанна эса коллеждан кейин шаҳарга келган. Ҳозир дўконда расмий шартномасиз ишлапти. Унинг айтишича, "Ҳар жойнинг ўз тошу тарозиси бор", экан.

### АСОСИЙ МУАММО – МОСЛАШУВ

Мутахассисларнинг фикрича, миграциянинг ўзи муаммо эмас. Муаммо – инсонларнинг янги муҳитга мослаша олмаслигида. Агар иш, уй-жой ва ижтимоий хизматлар етарли бўлмаса, айримлар оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Шунинг учун давлат томонидан махсус дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, ихтиёрий кўчириш дастури орқали минглаб фуқароларга ёрдам берилган. Уларга уй-жой, иш топиш ва ўқиш имкониятлари яратилмоқда.

### КЕЛАЖАК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

- Келгуси йилларда янада кўпроқ аҳоли йирик шаҳарларга кўчиб боради. Қишлоқларда аҳоли камайиши, шаҳар атрофлари эса кенгайиши мумкин.

Бу эса давлатдан янги ёндашувни талаб қилади:

- барча худудларда имкониятларни тенглаштириш;

- янги иш ўринлари яратиш;

- шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш.

Мухтасар қилиб айтганда, ички миграция – муаммо эмас, балки имконият. Бу – яхшироқ ҳаёт излаётган инсонлар ҳаракати. Агар бу жараён тўғри бошқарилса, у мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Энг муҳими, ҳар бир инсон қаерда яшамасин, муносиб шароит ва имкониятга эга бўлиши керак. Ана шунда жамият барқарор ва кучли бўлади.

А. АБДУФАТТОХ.



&gt;&gt;&gt;Мулоҳаза

## ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТ

Бугун ахборот майдонида турли фикр ва қарашлар тўқнашмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқларда миллий қадриятларимизга нисбатан муносабатлар турлича. Бу жамиятда муҳим масалаларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Яқинда тармоқларда тарқалган бир видео кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Унда муаллиф Наврўз байрамиди нишонлашга қарши фикр билдирган. Ушбу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тезкор ўрганилиб, қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди. Ички ишлар вазирлиги маълум қилишича, видеонинг муаллифига нисбатан диний адоватни кўзга тутилган. Ушбу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тезкор ўрганилиб, қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди. Ички ишлар вазирлиги маълум қилишича, видеонинг муаллифига нисбатан диний адоватни кўзга тутилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу каби ҳолатлар тасодифий эмас. Улар жамиятда бу масалада зиддиятлар мавжудлигини намоён этади. Шу боис мамлакатимизнинг дунёвий давлат экани, миллий аъёна ва қадриятларимизнинг аҳамияти ҳақида изчил



тушунириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Айрим ҳолларда ҳатто миллий мусиқа асбобларига нисбатан ҳам нотўғри муносабатлар билдирилмоқда. Бу эса жамоатчилик орасида асосли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Жамоат арбоблари ва депутатлар ҳам бу масалага бефарқ эмас. Улар миллий қадриятлар, хусусан, дўмбира каби асбобларни асраб-авайлаш, унинг аҳамиятини ёш авлод онгига синдириш зарурлигини таъкидлаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳам миллий қадриятларни асраш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда энг муҳим вазифа – ёшлар онгига миллий ўзлигини мустаҳкамлаш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашдир. Шундагина жамиятими барқарор ва мустаҳкам бўлади.

Отабой РАХИМҒОЗИЕВ,  
Қозоғистон  
Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

Мазкур ташаббус Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев топиригига мувофиқ амалга оширилиб, ҳалол солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ҚРда микро ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида муҳим имтиёз чораси жорий этилди. ҚР Молия вазирлигининг 2026 йил 13 февралдаги 13-сонли буйруғига мувофиқ, асосий солиқ қарзи тўлиқ тўланган тақдирда ўсим ва жарималарни ҳисобдан чиқариш қоидалари тасдиқланди. Бу борада вилоят бўйича давлат Даромадлари департаменти раҳбарининг ўринбосари Елтай Бекмурзин бизга батафсил маълумот берди.

## КИЧИК ВА МИКРО БИЗНЕС УЧУН СОЛИҚ ОММАВИЙ АФВИ

### МАЗКУР СОЛИҚ ОММАВИЙ АФВ ЎСИМ ВА ЖАРИМАЛАР ҲИСОБИДАН ЧИҚАРИЛАДИ

– Елтай Азатули, давлат раҳбарининг ушбу ташаббусида бизнес субъектларига қандай имтиёзлар кўзланган?

– Тасдиқланган қоидага мувофиқ: Биринчидан, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, микро ва кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ қарзи тўлиқ тўланган бўлса, ушбу қарзга ҳисобланган ўсим ва жарима миқдорлари тўлиқ бекор қилинади. Иккинчидан, 2026 йил 1 январьгача шакланган ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунчилик доирасида солинган жарималар ҳам бекор қилинади. Учунчидан, соғломлаштириш, қайта ташкил этиш ёки молиявий синиш жараёнида солиқ тўловчилар қарзини тўлиқ тўлаган бўлса, ўсим ва жарималарни бекор қилиш имкониятига эга бўлади. Тўртинчидан, қўшилган қиймат солиғи бўйича ўз вақтида рўйхатдан ўтмаганлик учун солинган жарималар ҳам бекор қилинади.

– Мазкур имтиёзлар қайси шарт асосида тақдим этилади? Қандай қарзлар ҳисобдан чиқарилмайди?

– Имтиёздан фойдаланиш учун асосий талаб – 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, шакланган солиқ қарзи 2026 йил 31 мартга қадар тўлиқ тўланиши лозим. Қарз белгиланган муддатда тўланган бўлса, давлат даромадлари идораси 3 иш кунини ичида ўсимни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Айрим ҳолатларда ўсим ва жарималарни бекор қилиш назарда тутилмаган. Жумладан: тадбиркорлик фаолиятига дахлдор бўлмаган жисмоний шахсларнинг солиқ ўсимлари, тадбиркорлик фаолиятига дахлдор бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун солинган жарималар. Агар солиқ тўловчи соғломлаштириш ёки молиявий синиш жараёнида бўлиб, ўз мажбуриятларини муддатидан аввал тўлиқ тўласа, у давлат



даромадлари идорасига эркин шаклда ариза тақдим этади. Ариза қабул қилингандан бошлаб, 3 иш кунини ичида ўсим ва (ёки) жарималар бекор қилинади. Мазкур чора-тадбирлар янги Солиқ кодексига ўтиш даврида тадбиркорлар учун қулай шароит яратишга қаратилган. Натijaда, кичик ва микро бизнес учун молиявий юклама камайиб, уларнинг барқарор тараққиёти учун имконият яратилади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Мамлакатимизда давлат маблағларини бошқариш тизими изчил тақомиллашмоқда. Хусусан, газначилик – молия идоралари бу борада муҳим ўрин тутаяди. Улар бюджет пулларининг тўғри ва мақсадли сарфланишини таъминлайди.

Маълум бўлишича, ўтган йили газначилик 20 триллион тенгега яқин маблағ нотўғри сарфланишининг олдини олган. Янги лойиҳа эса Махсус назорат тизими орқали амалга оширилмоқда. Яъни, агар қандайдир тўлов шубҳали деб топилса, у ҳали ўтказилмасдан туриб тўхтатилади. Бу эса давлат пулини асрашга хизмат қилади.

Бугунги кунда барча даражадаги бюджет харажатлари газначилик орқали амалга оширилади. Ўтган йили бу тизим орқали миллионлаб ҳужжатлар кўриб чиқилиб, тўловлар амалга оширилган. Шу билан бирга, давлат идоралари ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Газначилик давлат ва хусусий шўъба ҳамкорлигидаги лойиҳаларни ҳам кузатиб боради. Айни пайтда мингдан зиёд шун-

## РАҚАМЛИ ТЕНГЕ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



дай лойиҳалар назоратда.

Давлат харидлари соҳасида ҳам самарадорликка эришилмоқда. Олиб борилган ишлар натижасида бюджет маблағлари сезиларли даражада тежалмоқда.

Энг муҳими, тизим босқичма-босқич рақамлашмоқда. Яқин келажакда газначилик фаолиятига рақамли тенгени жорий этиш режалаштирилган. Бу эса давлат маблағларининг ҳаракати янада шаффофлигини таъминлайди.

Шунингдек, янги тизимда сунъий идрок технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу орқали молиявий жараёнлар жадал ва аниқ бошқарилади.

Хуллас, амалга оширилаётган ишлар давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш, очиклик ва самарадорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

“Жанубий Қозоғистон”  
мухбири.

&gt;&gt;&gt;Таҳлил

## ДРОНЛАР ВА ЛАЗЕР: ЯНГИ РАҚОБАТ БОШЛАНМОҚДА


Сўнгги йилларда учувчисиз учиб аппаратлари – дронлар ҳарбий соҳадан ташқари халқ хўжалигида ҳам кенг қўлланила бошлади. Улар орқали юк етказиш, мониторинг қилиш, ҳатто оддий тасвирга олиш, видеолаваҳа тушириш ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ технология қанчалик ривожланса, унга қарши чоралар ҳам шунчалик тез яратилаётгани кўзатиш мумкин.

Хитойда дронларни ишдан чиқаришга қодир янги лазер қурилмасининг ишлаб чиқарилгани ҳақида хабарлар ана шу жараённинг мантиқий давоми бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур тизим дронларни аниқлаш ва уларга юқори энергияли нур орқали таъсир ўтказиш имконига эга. Бу эса аъёнавий қарши воситаларга нисбатан мутлақо янги босқични англатади.

Бугунги кунда дронлардан фойдаланиш доираси кенгайиб боради экан, уларнинг хавф манбаига айлиши эҳтимоли ҳам ортмоқда. Аэропортлар, энергетика иншоотлари, давлат муассасалари каби муҳим иншоотлар устидаги руҳсатсиз парвозлар жиддий муаммо туғдириши мумкин. Шу нуктаи назардан қараганда, лазер тизимлари айнан шундай хавфларга тезкор ва самарали жавоб сифатида майдонга чиқмоқда.

Мутахассислар лазер қурилмаларининг бир неча устун жиҳатларини қайд этмоқда. Аввало, улар юқори аниқликда ишлайди ва нишонга дарҳол таъсир кўрсатади. Иккинчидан, бундай тизимларда ўқ-дори талаб этилмайди, бу эса уларни иқтисодий жиҳатдан тежамкор қилади. Шу билан бирга, лазер қурилмалари атроф-муҳитга нисбатан камроқ зарар етказиши билан ҳам аҳамиятли.

Шу билан бирга, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Технологиялар ўртасидаги бундай “рақобат” дронларни янада тақомиллаштиришга туртки беради. Яъни, келгусида лазердан ҳимояланган ёки унга чидамли дронлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса ўз навбатида янги технологиялар пойғасини янада тезлаштиради.



Хулоса қилиб айтганда, дронлар ва уларга қарши воситалар ўртасидаги кураш янги босқичга чиқмоқда. Хитойда ишлаб чиқилган лазер тизими эса бу жараёндаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳоланмоқда. Энди эътибор ушбу технология қанчалик тез амалиётга жорий этилиши ва унинг самараси қандай бўлишида.

Drone.kz маълумотларига кўра, Қозоғистон Республикасига дронларни олиб кириш ва улардан фойдаланиш қатъий қоидалар билан тартибга солинади. Вазни 250 граммдан ортиқ бўлган барча учувчисиз учиб аппаратлари Қозоғистон авиация маъмуриятида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Бундай қурилмалар учун махсус рақам талаб этилади, шунингдек, йирик шаҳарлар ҳудудидан парвоз қилишдан аввал тегишли руҳсат олиш зарур. Қоида бузилган тақдирда жарималар қўлланилади – улар 10 ОҚДдан бошланади.

Айниқса, тунда, Астана ва Алматы каби йирик шаҳарлар устида ёки 50 метрдан юқори баландликда парвоз қилиш учун Мудофаа вазирлиги ва ички ишлар идораси билан келишув талаб этилади. Қоидаларни бузиш ҳолатларида жарима билан бир қаторда дрон мусодара қилинади.

А. АБДУФАТТОХ.

»» Қозоғистон Республикаси ва  
"Жанубий Қозоғистон" газетасининг 35 йиллигига

# МАКТАБ БУНЁД ЭТГАН ТАДБИРКОР



Сухбатдошимиз Фарҳод Жалил ўғли Абдуллаев 1949 йили 20 мартда ҳозирги Саврон туманининг Чипон қишлоғида туғилган. Падали бузруквори Жалил Абдулла ўғли Чипон қишлоғининг жонқуяр зиёли фаолларидан. Улуғ Ватан Урушида иштирок этиб, бир неча марта оғир яраланганига қарамасдан, урушдан сўнг умрининг охиригача мактабда ёш авлодга сабоқ берган. Чипондаги бошланғич мактабни тўлиқсиз ўрта, сўнг ўрта мактаб мақомига етишида кўп хизматлари синган. Қорачиқ ва Чипон қишлоқлари ўртасида сойда тошқин рўй бериб, кўприкни сув оқизиб, одамлар вафот этганида Қозоғистон раҳбари Д. Қўнаевга мактуб билан мурожаат этиб, янги замонавий иншоот қурилишига эришган. Фахрий устоз Жалил Абдулла ўғли умр йўлдоши, қахрамон она Сора Дўсжон қизи билан Болтабой, Онажон, Фарҳод, Тўражон, Малика, Комилжон, Муборак, Фарида, Олмажон исмли турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялаб, неварара, эвара, чевара кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди.

Мақолаимиз қахрамони Фарҳод Жалил ўғли ўрта мактабни Югнак қишлоғида битиргач, меҳнат фаолиятини Коммуна жамоа хўжалигида бошлаган. Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика олийгоҳини муҳандис-педагог ихтисоси бўйича тамомлагач, ўзи ўқиган мактабда дарс берди. 1975 йилдан ишлаб чиқаришда – колхозда гараж мудир, экспедитор бўлиб ишлади. Колхоз тузуми таратилгач, Югнак қишлоғида ишлаб чиқариш ширкатини тuzиб, давлатимизнинг йириклаштирилган деҳқон хўжалиқларига имтиёзли баҳода минерал ўғит, ёнилғи, замонавий техника таъ-



минотидан ҳамқишлоқларини баҳраманд этди. Умр йўлдоши, меҳри дарё мураббий сифатида элда эъзоз топган Зоҳира Муромад қизи билан 45 йиллик муштарак ҳаётлари давомида Даврон, Дилфуза, Феруза, Дилжумор, Нурсултон исмли Тошкент ва Туркистон вилоятда истиқомат қилаётган, тадбиркорлик ва маориф соҳасида меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялашган. Олий маълумотли нафақадаги устоз Зухра Ўринбосар қизи улкан хонадоннинг чироғи сифатида фарзанд, невараларига меҳрини улашиб, Фарҳод Жалил ўғли билан умргузаронлик қилмоқда. Югнак қишлоғи оқсоқоллар кенгашига раҳбарлик қилаётган Фарҳод Абдуллаев кўп йиллик самарали меҳнатлари учун тўнгич президентимиз фармони билан "Ерен еңбегі үшін", "Астананинг 10 йиллиги" медаллари ҳамда Қозоғистон халқи Ассамблеяси, туман, вилоят, республика жамоат ташкилотларининг 30дан зиёд нуфузли мукофотлари билан тақдирланган. Фаол муштарийлар жамланган "Оталар чойхонаси" анжуманининг дои-

мий иштирокчиси ва ҳомийси. Кенжа ўғли, Саврон тумани маслаҳатининг энг фаол депутатларидан бири Нурсултон Абдуллаев билан Югнак қишлоғида болалар боғчиси ҳамда 900 ўринли замонавий мактаб бунёд этиб, фойдаланишга топширгани, ўқув даргоҳи ўқувчилари билим ва спортнинг бокс соҳасида республика миқёсида голибликка эришаётганлиги шонли тарих. 35 ёшдаги "Жанубий Қозоғистон" газетасига фермер хўжалиги, болалар боғчиси, умумтаълим мактаби жамоалари тўлиқ обуна бўлишган. Ушбу жамоаларда жами 130 нафар эътиқодли обуначиларимиз меҳнат қилишаётганлиги, обуна ишлари Фарҳод Жалил ўғлининг доимий назоратида эканлиги вилоятимиз кўламида барчага ибрат. Ўранғайдан оқиб келувчи ариқ сувидан Югнак қишлоғидаги юзлаб деҳқон хонадонлари фойдаланишади. Кўкламги тошқинда қирғоғи бузилган ариқни аслига келтириб, таъмирлашда фаоллар билан вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бошқармасига, вилоят мат-

буотига мурожаат этган Ф. Абдуллаевнинг сая-ҳаракатлари билан бузилган сув иншооти таъмирланди. Лекин келажакда бетон лотоклар ўрнатилса, нур устига нур. Мақолаимиз қахрамонига саволлар билан мурожаат этдим. – Ўтган йили эл бирлиги, дўстлик-тотувликни мақсад тутган жамоат ташкилоти – Қозоғистон халқи Ассамблеяси 30 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Сиз Югнак қишлоғидаги ўзингиз ташкил этган йирик хўжалик раҳбари сифатида кўп маротаба Шимкентдаги Абай истироҳат боғида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбек халқининг тили, маданияти, урф-одатлари" байрамларига фаол иштирок этиб, Туркистон шаҳри номидан ўтовлар ўрнатиб, меҳмонларни кутгансиз... – Тўғри, вилоят УЭМБ раиси, Туркистон туманининг собиқ ишчан раҳбари Мўхаммадрасул Исоқов даврида Абай боғида биз тиккан улкан ўтовга нафақат вилоят, балки Тошкент шаҳри ҳамда вилоятимиз туманларига раҳбарлик қилган қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийлари ҳам ташриф буюриб, самимий меҳмондўстлигимиздан миннатдор бўлишгани, Мўхаммад-

расул ака менга "Сиз Чипон қишлоғидаги уруш фахрийси, фахрий устоз Жалил аканинг ўғли бўласизми", деб мурожаат этганидан унинг кучли хотирасига тан берганман. Кўп маротаба давлатимиз раҳбари Н. Назарбаев бошчилигида вилоятимизда ҳосилдорликни юксалтиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги анжуманларида иштирок этиб, мўл таассуротлар олганман. – 15 март кунги референдумга барча ҳамюртларимиз қатори фаол иштирок этдингиз. Таклифларингиз... – Бош Қомусимиз, келажакимиз учун оиламиз билан бирга овоз бердик. Янги Конституция матни билан "Жанубий Қозоғистон" газетасида ўқиб танишдим. Ҳаётимизнинг барча жабҳалари конун ҳимояси доирасида тўлиқ қамраб олинган. 35 ёшдаги мустақил Қозоғистоннинг нуруний ёшдаги фуқароси сифатида давлатимизга, Президентимиз Қ. Тўқаевга кўпчилиги номидан самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. – Фарҳод ака, Наврўзи олам шодийнаси билан бақамат келган таваллуд кунингиз – 77 ёшга тўлишингиз шукронаси ила тахририят номидан самимий мейхнат қилишаётганлиги, обуна ишлари Фарҳод Жалил ўғлининг доимий назоратида эканлиги вилоятимиз кўламида барчага ибрат. Ш. МАДАЛИЕВ. Тасвирларда: Ф. Абдуллаев; падали бузруквори Жалил Абдулла ўғли ва волидаи муҳтарамаси Сора Дўсжон қизи; ўғиллари, укалари ва қариндошлари даврасида; оила аъзолари, фарзандлари даврасида.

»» Қарноқ

# АДИБ ОДИЛ ЁҚУБОВ ЎҚИГАН МАКТАБДА

Қарноқдаги фаол обуначи-миз Артур Асоев раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий номли мактаб ховлисида дид билан ўрнатилган қулай ўринда фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов билан пича нафас ростлади. Шу ерда уруш фахрийлари исми битилган ёдгорлик билан танишиб, ўтганларни ёд этдик. Тунги чироклар ўрнатилган ушбу мўъжаз маскан мактабни қирқ йил аввал тамомлаган битирувчилар тўҳфаси экан. Иккинчи қаватга кўтарилиб, киндик қони Қарноқда тўқилган, жаҳонга таниқли ўзбек ёзувчиси, уруш фахрийси Одил Ёқубов музейи билан ҳаяжон ила танишидик.



вилоят, Туркистон, Кентов, Саврон, Сайрам, Сўзоқ УЭМБ фаолларидан амалий кўмак кутамиз. Одил Ёқубовнинг бир асрлик таваллуд айёмига Қозоғистон ва қўшни Ўзбекистон ёзувчи-адиблари, кўплаб меҳмонлар ташриф буюради. Мактабларда шу сана билан боғлиқ тадбирлар кўпроқ ташкил этилишига, О. Ёқубовнинг ҳаёти ва фаолияти билан ёш авлод теран танишиб, ибрат

Адиб шу мактабда эски иморатда ўқиган, бу бино яхши сақланган. Ёзувчининг бир асрлик таваллуд тадбирига келган меҳмонларни у ўқиган бино билан таништирилса, яхши бўларди. Сухбатдошимиз, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, ушбу мактабнинг тажрибали устози Долимжон Сайфуллаев марҳум ҳамкасби Хусан Садиров пайтида адиб хотирасига ташкил этилган бурчак эндиликда музейга айлантирилганлиги, бу хайрли ишга ўзбек тили ва адабиёти фан



бирлашмаси раҳбари Ўринбосар Бобоев бошчилигида ўзи ҳамда устозлар Нилуфар Мирзаҳмедова, Умида Солишева, Фотима Раимова, Саида Атаметова, Фарида Эгамбердиева, Нафиса Абдуллаевалар муштарак ҳисса қўшганини ифтихор ила таъкидлади. Музейда адибнинг ҳаёти ва фаолиятига оид нодир ҳужжатлар, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларидаги ҳамкасб ёзувчилар билан тушган ҳамда оилавий суратлар жамланган. Одил аканинг умр йўлдоши, қарноқлик Мариям Ёқубова Тошкентда умргузаронлик қилади. Ўзбекистон ордени билан тақдирланган. Чингиз Айтматов, Мухтар Шаханов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Носир Фозилов, Абжамил Нурпеисов каби жаҳонга таниқли адиблар Одил Эгамберди ўғлининг дўст биродарлари ҳам эди. О. Ёқубовнинг 1991 йили А. Яссавий

мақбараси пойида Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари тўнгич Президентлари Н. Назарбаев, И. Каримовлар имзолаган тарихий Туркистон декларацияси анжуманидаги иштироки акс этган суратлар ҳам кўйилса, деган таклифимиз бор. Адибнинг асарлари жами 5 млн нусхада нашр қилинган эсада, бугунги кунда мактаблар кутубхоналарида китоблари кам. Вилоятимиз мактаблари кутубхоначиларига мурожаат этиб, адибнинг турли йилларда нашр қилинган китобларидан ҳашар йўлида кўмак кўрсатишса, нур устига нур бўларди. Бу борада

мактаби сифатида ўрناق олишига ишонамиз. Ш. МАДАЛИЕВ. Тасвирларда: М. Қошғарий мактабида О. Ёқубовга аталган музейда; музейни ташкил этишга ташаббускор бўлган устозлар; Адиб О. Ёқубов қирғизистонлик Ч. Айтматов, қозоғистонлик М. Шаханов билан; О. Ёқубов шоирлар Э. Воҳидов, А. Орипов билан; А. Нурпеисов, Н. Фозилов ва ўғли Абдумалик билан 2007 йил. Муаллиф ва музейдаги архив суратлари.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти нафақадаги журналист – Тўлебий тумани бўйича махсус мухбир лавозимида фаолият юритган Баҳорчи Дўсқатовга волидаи муҳтарамаси Бўстон БЕРДИБОЙ қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



## АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ – ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМЧИСИ

Вилоят марказидаги Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган 108 ёшдаги Ҳамза номли мактаб устозлар жамоаси ва касба уюшмаси кўмитаси ташкилотчилигида анъанавий "Уч авлод учрашуви" тadbири муҳташам "Давлат – 2" тўйхонасида юксак савияда ўтди. Таъкидлаш жоиз, Наврўзи олам тангана билан бақамти келган мазкур тadbирнинг тарихи 30 йилдан зиёдроқ.

Кўпдан буён бир-бирини кўрмаган нафақадаги устозларнинг қувончлари чексиз. Меҳмонларни мактаб маъ-

мурияти, касба уюшмаси кўмитаси вакиллари кутиб олишди.

Тadbирни мактаб директори Дилбар Дийметова, нафақадаги собиқ раҳбар Замир Муҳаммаджонов, вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ташкилоти раиси Жандўс Шайдулла табрик нутқи билан очди. Абдулла Толипов, Юлдуз Отабоева ижросидаги ўзбекча ва ҳиндча дилрабо кўшиқлар, раққосларнинг чиройли ижролари даврага файз киритди.

Фахрий устозлар Гулсин Ибрагимова, Мунаввар Усмонова, Раъно Режаметова,

Раъно Абдулақимова, Сарвар Хайруллаева, Тойир Каримов, Абдулла Отаметов, Муҳиддин Мўлдабоев, Камолитдин Қулаҳмедов, Клара Қўзиметова, Замира Отаева, Мариям Иноятова, Матлуба Пирметова ва камина барча ҳамкасбларни сидқидилдан муборакбод этиб, ташкилотчиларга самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди. Фахрий устозларга эсдалик совғалар улашилди.

**Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
нафақадор.

**Тасвирларда:** тadbирдан лавҳалар.



»»» Обуначиларимиз орасида

## НАФАҚАДАГИ УСТОЗ, МОҲИР БОҒБОН ВА НАШРИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Саврон тумани Янги Иқон қишлоғидаги фахрий устоз, боғбон, "Жанубий Қозоғистон" газетасини қатор йиллар бадалида ҳар ҳафта ҳамқишлоқларига ўғли Тўлқин билан ҳолисанилло етказиб, улкан савобга доҳил бўлаётган нуруний отахон Олим Қосимовни барча яхши билади ва ҳурмат қилади. Жамоат ишларида фаол, Туркистоннинг 1500 йиллик тўйига шаҳар УЭМБ ташкилотчилигида Ўзбекистондан Юлдуз Усмоновани таклиф этганимизда, А. Яссавий мақбараси зияратида бирга иштирок этган.



Ховлидаги боғида бир туп олма дарахтида пайванд орқали 10 хил мева етиштирганини газетамизда чоп этганимизда марҳум ҳамкасбимиз Ҳавазмат Қўчқоров Шимкентдан "Хабар" телеагентлиги журналистлари билан ташриф буюриб, республика миқёсида ойнаи жаҳонда Олим Қосимов иш тажрибаси намоиш этилганлиги шонли тарих. Кимё фани бўйича ихтиролари ХҚТУ орқали таълим вазирлиги томонидан эътироф этилганлиги ҳам унинг серқирра фаолиятидан далolat.

Иил бошида шоир Султон Бобохонов хотирасига бағишлаб ташкил этилган тadbирда О. Қосимов кимё фани бўйича лаборатория машғулотларини намоиш этиб, кўпчилик олқишини олди. Тахририят тавсияси билан кўплаб мукофот-

ларга ноил бўлган. Ўтган йили А. Темурнинг таваллуд кунига атаб ташкил этилган Туркистон-Арслоноб йўналишидаги сафарда иштирок этиб, соҳибқирон ёдгорлиги мажмуаси пойида ўтган халқаро анжуманда фаоллар билан иштирок этган, хотин-қизлар кенгаши раисаси Муҳаббат Ибрагимова бунёд этган "WOW PLOW" мажмуасида ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти фахрий раиси Икромжон Ҳошимжонов томонидан нуфузли медаль билан тақдирланганлигини унинг тинимсиз меҳнатига берилган юрт мукофоти, дея эътироф этамиз.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** О. Қосимов; республика миқёсидаги мукофот тақдимоти чоғида.

**Муаллиф тасвирлари.**

**P.S.** Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғи УЭМБ, ҳамқишлоқлари Олим Қосимовни таваллуд куну шукронаси ила муборакбод этиб, мустақкам саломатлик, фарзандлари, неваралари камолини кўриш саодатини тилайди. Тахририят ҳам шу ниятлар ижобатига тилакдош.

»»» Наврўз шуккуҳи

## УЛУСНИНГ УЛУҒ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ



Қорабулоқ қишлоғидаги 100-сонли мактабда маҳалла аҳли иштирокида волейболдан Наврўз байрамига бағишланган спартакиада ўтди. Тadbирдан кўзланган мақсад – бирлик ва ҳамжиҳатлики мустақкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш эди.

Тadbир аввалида сўз олган мактаб директори Абдирахим Отахонов, Сайрам туман кўзи ожиз-

лар жамоат бирлашмаси раиси Тўлқин Каримшиқов ҳамда «Sahiy» хайрия жамғармаси аъзоси Илҳомжон Абдукаримовлар иштирокчиларни байрам билан қутлаб, эзгу тилаklarини билдирдилар.

Беллашув сўнггида голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан ташаккурномалар ҳамда совғалар топширилди.



Шимкент шаҳрининг Қизилсув даҳасидаги «Назира она» болалар боғчасида ҳам Наврўз байрами кенг нишонланди.

Унда кўшни болалар боғчаларидан келган меҳмонлар ва ота-оналар иштирок этдилар. Тadbир аввалида боғча мудираси Н. Йўлдошева, услубиятчи

К. Пўлатбоев, кадрлар бўлими ходимаси Д. Раҳимовлар барчани байрам билан табриклаб, эзгу тилаklarини изҳор қилдилар.

Меҳмонлар эътиборига байрам концерт дастури ҳавола этилди. Жажжи болакайлар рақслар, сахна кўринишларини ижро этиб, улар иштирокидаги

спорт мусобақалари уюштирилди. Тadbирда ўзбек миллий таомларидан ҳалим, сумалак, козоқ халқининг кўжа таомини тайёрлаш жараёни намоиш этилди.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

**Тасвирларда:** байрамдан лавҳалар.

## КАСПИЙ БЎЙИДА ҲАМ НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

Манғистов вилояти УЭМБ ташкилотчилигида Ақтов шаҳрида ҳам Наврўз байрами нишонланди. Вилоят ўзбеклари саркори Рустам Тиллабоев, унинг ўринбосарлари, таниқли шифокор Индира Отажонова ва тadbиркор Хусан Аширметов, бирлашма аъзолари байрам тadbирини чиройли ўтказиб, барча этномаданият бирлашмалари, кенг жамоатчиликка дастурхон ёздилар.

Ақтов шаҳрида миллатдошларимиз кам бўлсада, фидойиларнинг сазў-ҳаракатлари билан тadbирда ўзбекона муҳит яратилиб, кўпчиликнинг дилига хушайфият бағишлашди. Байрамни уюшқоқли ташкил этган вилоят УЭМБ аъзоларига миннатдорчилик билдирамыз.

**Саид ҲАЙРУЛЛОҒ.**



**Директор – Бош муҳаррир**  
Райимжон Ортықбой ўғли  
**АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхан БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги уқун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒҮҮ0022503 сувоҳнома берилган.

"ERNUR-online" МНБ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилди.

Бўғимма 648

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.  
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.kz